Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муборак бўлсин!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 1-sentabr, chorshanba ● № 36 (686) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун гўзал ва бетакрор юртимизда буюк айём, катта тантана. Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ўз миллий мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини баланд руҳ ва хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган ана шу байрам билан сиз азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Азиз дўстлар!

Бугун, шу қутлуғ айём арафасида Ватанимиз озодлигига эришиш, ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмасдан, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, юртимиз бойликларига, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида халқимиз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтгани беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик.

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, холисона бир хулосага келишимиз табиийдир.

Яъни, бундан ўн тўққиз йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиётимизни кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз яккаю ягона тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг исботини аввало шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисолида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида яққол кўриши мумкин.

Бунинг тасдиғи сифатида ҳалибери давом этаётган жаҳон молиявий–иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини намоён этмоқда.

Охирги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутилаётганининг ўзи кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган марраларни ўзимизга тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириш ўринли деб биламан.

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи эса шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 каррага кўпаяди.

Яна бир рақам — Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва ғамхўрлик кўрсатиш узлуксиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайнида эришиб бўлмайди.

Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритганмиз.

Шунинг учун бу мўътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз бу ютуқлардан ғурурланиб-фахрланиб яшашга тўла ҳақлидир.

Қадрли юртдошларим!

Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир. Бунинг учун ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бирига тенг, бир-бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифани амалга ошириш бизнинг доимий эътибор марказимизда туриши зарур.

Биринчидан, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсишимиз ва технологик ривожланишимиз суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳолимиз фаровонлигини муносиб даражага кўтаришдир.

Иккинчидан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашни, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттиришдир.

Биз бугун мана шундай буюк мақсадларни олдимизга қўяр эканмиз, чуқур англаб олишимиз зарурки, бундай орзу-интилиш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб олиб бораётган сиёсатимизнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бутун халқимиздан тинимсиз меҳнат ва куч-ғайратни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим — мана шу муҳташам майдонга чирой бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Мамлакатимизда 2010 йилга "Баркамол авлод йили" деб ном берганимизнинг ўзи айнан шундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, яна бир қатъий қадам бўлиб қолажак.

Ишончим комил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдики, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кучлардан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашни биз ҳамиша энг долзарб вазифа деб билганмиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, муҳтарам меҳмонларимизга халқимиз номидан ҳурмат-эҳтиром билдириб, дунёдаги барча дўсту ҳамкорларимизга самимий салом ва тилакларимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, авваламбор, юртимизни тинчомон сақлаб, асраб келаётган, эзгу ишларимизга ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз неъмат. Озодлик, ҳуррият, эркинлик. Бу олий тушунчаларни юракдан ҳис қилиш, англаб яшаш — буюк саодат.

Мустақиллик — халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз айёми — мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал байрам қалбларимизга чексиз фахр-ифтихор, кўнгилларимизга сурур бахш этади. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган мазкур тарихий кун юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида кенг миқёсда, улкан шодиёналар билан тантана қилинмоқда.

Жорий йилда ушбу қутлуғ байрам бутун мамлакатимиз бўйлаб **«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»** деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Бу юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг олий қадрият сифатида эъзозланиши, ҳаётимиздаги барча янгиланиш ва ўзгаришлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, авваламбор, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганининг яна бир амалий ифодасидир.

2010 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи янада гўзаллик, ўзгача тароват касб этган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихан қисқа даврда босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимиз давомида эришган юксак марраларимиз, амалга оширган бетимсол ишларимиз беихтиёр кўз олдимизда гавдаланади. Бу йиллар, ҳеч шубҳасиз, маэмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида Ватанимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

(Давоми 2-бетда.)

«КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО» МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 август куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрди

Йигирма беш асрдан зиёд тарихга эга Бухоро жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган кўҳна ва навқирон шаҳарларимиздан бири. Қадимдан илму маърифат, маданият маскани бўлган бу гўша таърифи етти иқлимга ёйилган.

Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Туб мақсади инсон манфаатлари устуворлигига қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида вилоятнинг саноат салоҳияти юксалди, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очаётир.

Яқинда барпо этилган "Бухоро маданий маркази" мажмуи бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрин тутади. 107 гектардан иборат мазкур мажмуада йирик иншоотлар — 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи қад ростлади. Мазкур объектлар Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида барпо этилди.

Юртбошимиз ғояси ва ташаббуси асосида бунёд этилган, баландлиги 18 метр бўлган ушбу "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини таниқли ҳайкалтарош, Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Илҳом Жабборов ишлаган.

Қутлуғ Бухоро заминидан Абу Али ибн Сино, Наршахий, Имом Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ориф Ревгарий каби буюк мутафаккирлар, кўплаб адабиёт ва санъат намояндалари етишиб чиққан. Уларнинг номлари обидада зарҳал ҳарфлар билан нақшланган. Бу ерда илм ўрганиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз экани, дил Аллоҳда, қўл меҳнатда бўлиши лозимлиги зикр этилган.

Давлатимиз раҳбари "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи билан танишди.

— Тарихдан маълумки, қадимда Бухородан олтин конлари топилган. Бугунги кунда ҳам Бухоро тилласи асл тилла ҳисобланади, — деди Ислом Каримов. — Лекин Бухорони шариф шаҳарга айлантирган унинг фидойи, меҳнаткаш одамларидир.

Монумент марказида уч авлод — бахтиёр ёш оила — ота, она ва бола, ниҳол ўтказаётган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг сиймоси акс эттирилган. Бунда чуқур фалсафа бор: ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсоннинг эзгу амаллари мангу қолади, бу дунёда инсон эзгу ишлар қилмоғи лозим, фарзандлари келажагини, эл-юртининг эртасини ўйламоғи даркор.

— Бухорога келган, бухороликлар ҳаёти билан танишаман, деган одам монументда ифодаланган бу ғоялардан хулоса чиқаради, — деди Президентимиз.

(Давоми 2-бетда.)

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

(Бошланиши 1-бетда.)

«Ўзбекистон». Муаззам саҳнадан таралаётган бу қўшиқ гўзал қиру адирларимизда, далаю даштларимизда, пурвиқор тоғларимизда, файзли қишлоқларимизда, мафтункор шаҳарларимизда акс-садо беради. Бу ашула гўё барчамизнинг қалбимиздан чиқаётгандек. Ҳа, киндик қонимиз томган ота маконимиз, жонажон Ватанни васф этувчи тароналар юракларни жунбушга келтиради, кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди, эзгуликка ундайди, бунёдкорликка чорлайди...

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва янги давлат ва янги жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойил амалда ўзини тўлиқ оқлади. Ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллаштирилди, суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд органлари муҳим ўрин тутади. Шу маънода суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролини янада кучайтириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёни инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди. Жиноят-процессуал қонунчилигида халқимиз менталитетига хос ярашув институти жорий этилди, адвокатура институти ислоҳ қилинди, суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши халқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатларининг яна бир намойиши бўлди. Бу бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг кучайишига ва улар томонидан қарорлар қабул қилинишига катта таъсир кўрсатди.

Мустақиллик йилларида юртимизда энг юксак демократик талабларга, умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сайловнинг очиқлик, ошкоралик ва адолат тамойилларига мувофиқ ҳолда ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан кафолатланган. Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган ўзгартишларга асосан 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 150 депутат, шу жумладан, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан 15 депутат сайланди.

Ушбу сиёсий тадбир мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлар, фуқароларимизнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қандай улкан муваффақиятларга эришганини яна бир бор кўрсатди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

...Она заминимиз юксак пардаларда тараннум этилган алёр қаддимизни тоғдек кўтаради. Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин, ҳамиша севиб-ардоқлаб, тупроғини кўзимизга суриб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Озод Ватанимиз борки, қадр-қимматимиз бор. Обод юртимиз борки, орномусимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз сарбаланд...

Бугун жаҳон Ўзбекистонга ҳавас ва ҳайрат ила боқмоқда. Энг ривожланган давлатларнинг ҳам белини буккан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани танлаган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини яна бир бор исботламоқда. Бу ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлаши баробарида, кучимизга куч қўшмоқда, эртанги кунимизга ишончимизни янада мустаҳкамламоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби ўнлаб хорижий тилларга таржима қилингани ва жаҳонда илмий асосда чуқур ўрганилаётганининг моҳияти шунда.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгартиришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш дастурини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт коммуникацияларининг жадал ривожлантирилиши иқтисодиётни барқарор ва мувозанатлашган ҳолда тараққий эттириш имконини бермоқда.

2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорига дадил кириб бормоқда. Экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янги бозорларга чиқиш ҳисобига экспорт ҳажми 14,3 фоизга ўсди. Ҳозир мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан жаҳоннинг 139 мамлакатига товарлар ва хизматлар экспорт қилинаётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг қиймати 518 миллиард сўмга тенг кредитлари йўналтирилди. Иқтисодиётимизда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми қарийб 1,7 миллиард долларни ташкил қилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 181 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми 1,8 баравар кўпайди.

Аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг энг муҳим манбаларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборда. Бунинг самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 41,1 фоизни ташкил қилди.

Шу йилнинг бошидан буён ишлаб чиқаришни техник модернизация қилиш бўйича 108 лойиҳани амалга ошириш якунланди ва 529 ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлар ҳам ўз самараларини бермоқда. Барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тобора ортиб бормоқда. Истиқлол шарофати билан ўз донимизга, беминнат нонимизга эга бўлдик. Жорий йилда ғаллакорларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 7 миллион тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилди. Пахтакорларимиз ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

...Майдон узра таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз дастури орқали ифода этилаётган истиқлол йилларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизга боқиб, бунёдкор халқимизнинг яратувчанлик салоҳиятидан фахру ғуруринг ошади...

Йўллар элларни элларга, дилларни дилларга боғлайди, йўл, коммуникация бор жойда тараққиёт бўлади, иш олға силжийди. Мамлакатимизда йўлларни, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш, йўл-қурилиш техникасини харид қилиш учун 190,6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқасида 59 инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда.

Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл линиясининг разъезд ва станцияларида ишлаб чиқариш-техник бинолар ҳамда турар-жойлар қурилишини якунлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Байрам арафасида Навоий шаҳридаги халқаро аэропортда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги юк терминали ишга туширилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бандлик даражасини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида иш ўринлари қисқариши давом этаётган бир пайтда 2010 йилнинг биринчи ярмида 509 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этишга эришганимиз катта муваффақиятдир. Шу қаторда одамларимизнинг иш ҳақи, даромади барқарор ўсмоқда. Буни уларнинг турмуш фаровонлиги юксалаётгани, янги, замонавий уй-жойлар бунёд этаётгани, енгил автомобиллар харид қилиши кўпаяётгани сингари ҳаётий мисоллар ифодасида ҳам кўришимиз мумкин.

Тошкентда 2010 йилнинг апрель ойида ўтказилган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатлари яна бир бор юксак баҳоланди. Анжуман якунлари бўйича тайёрланган хулоса ва тавсияларда Ўзбекистонда глобал инқироз хавфларига самарали қарши туришга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг юксак самаралари ҳамда Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг чуқур асосланган устувор йўналишларининг муҳим аҳамияти ва долзарблиги алоҳида қайд этилди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакатни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дунёнинг кўплаб давлатлари учун муҳим амалий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу йилнинг май ойи бошида Тошкентда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Бу нуфузли анжуманга МДҲ ва Кавказ минтақаси мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахти мезбонлик қилгани юртимизнинг халқаро миқёсда тобора юксалиб бораётган нуфузидан далолат. Анжуман иштирокчилари ушбу тадбир юксак ташкилий савияда ўтгани ва ОТБнинг барча анжуманлари орасида энг самаралиларидан бири бўлганини таъкидлади.

ОТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлиси қатнашчилари, шунингдек, 2010 йилнинг июнь ойи охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси томонидан Ўзбекистон эришаётган натижалар юксак баҳоланди. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкининг хулосаларига кўра, инқирозга қарши чораларнинг саноатни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, жорий йилда экспорт ҳажмини оширишга кўрсатаётган самарали таъсири давом этаётгани туфайли 2010 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши 8 фоиздан ортиқни ташкил қилади.

Жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлиб ўтди. Унда ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ва ШҲТ процедуралари қоидалари тасдиқланди. Мазкур икки ҳужжатнинг Тошкент саммитида барча аъзо давлатлар томонидан маъқуллангани Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга раислиги нечоғли самарали кечганидан далолат бўлди.

Шу йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида Тошкентда ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бу 2010 йилда Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятидаги тарихий аҳамиятга молик яна бир ёрқин воқеа бўлди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, инсоннинг турмуши, яшаш шароити ўзгарса, унинг эртанги кунга бўлган муносабати ўзгаради, ишончи мустаҳкамланади. Шу боис қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича мазмуни ва миқёси жиҳатидан мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз бўйича кўплаб уй-жой фойдаланишга топширилди. Газ, сув қувурлари тармоқлари барпо этилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида қишлоқ жойлардаги 42 массивда қурилиши бошланган уй-жойлар ўз эгаларига топширилди.

159 қишлоқ туманларидаги 223 массивда намунавий лойиҳалар бўйича 6800 уй-жой қурилиши давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу мақсадлар учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкининг жами 122,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилди.

Замонавий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш мақсадида 2010 йилнинг олти ойида замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 янги корхона ишга туширилди.

...Даврага болалар чиқиб келадилар. «Тантана», «Соната», «Асал», «Юлдуз», «Наврўз», «Томоша» ва «Булбулча» болалар ансамбллари ижросидаги шодон қўшиқ ва ўйноқи рақслар байрам томошаси аҳлини тўлқинлантириб юборади. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз яйрайди. Қувноқ ва серзавқ фарзандларимиз ўзларининг бахтли болаликни мадҳ этувчи қўшиқлари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотади...

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилингани замирида чуқур маъно-мазмун мавжуд. Юртбошимиз айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Шу маънода уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, бахт ва иқболи учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгиланган. Бу халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилат. Шунинг учун ҳам барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам.

"Соғлом она — соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан ўтган йили қабул қилинган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга оид қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирларга доир қарори оналар ва болаларга эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намойиши бўлди.

Таълим-тарбия соҳасидаги дастурларимиз келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб, уларнинг самараси мамлакатимиз эришаётган юксак марра ва натижалар мисолида яққол намоён бўлмоқда. Лицей ва коллежларни битирган ёшларимиз бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида ёшлар учун 282,8 мингта янги иш ўрни яратилди. Яқинда давлатимиз раҳбарининг таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни ижро этиш, ёшларни, биринчи галда, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишда қулай шарт-шароитлар яратади.

Бугунги кунда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва адабиётларини такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болалар спортини янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар, сув спорти саройлари, бадиий гимнастика заллари бунёд этилмоқда, улар замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминланмоқда.

...Ёш санъаткорлар эл-юртимизни энг азиз байрам билан муборакбод этади. Улар ижросидаги қўшиқ ва наволар улуғвор айёмнинг тантанавор руҳига ўзгача файз ва тароват бахш этади...

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, санъатнинг барча турларига, жумладан, мусиқа санъати ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Юртимизда бетакрор санъат кошоналари қад ростлаши, болалар мусиқа санъат мактабларининг замонавий қиёфага кираётгани ҳам соҳага кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрлик натижасидир. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти ҳамда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Янги авлод», «Келажак овози» кўрик-танловлари ҳаётини санъатга бағишлашни дилига туккан ёшларимизнинг истеъдодини кашф этишга, уларга кенг йўл очиб беришга хизмат қилмоқда.

Ҳа, бугун ўзбек овози дунё саҳналари узра баралла янграмоқда. Соҳир овоз, сеҳрли бармоқ соҳиблари халқаро миқёсда ўтказилаётган кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритмоқда.

...Тобора авжга чиқаётган қўшиқлар юртдошларимиздаги Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиради. Киши қалбидан шу юрт, шу Ватан меники, шу муқаддас замин янада обод ва фаровон бўлиши учун қанча кўп меҳнат қилсам, оилам, фарзандларим шунча манфаат кўради, гўзал диёримиз янада гуллаб-яшнайди, деган эзгу фикр ўтади...

"Тинчлик таянчи". Майдон узра ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага шахдам қадамлар билан мард ва жасур ўғлонларимиз — Ватан ҳимоячилари кириб келадилар. Улар она Ватанимизни мадҳ этиб, Қуролли Кучларимиз қудратини намойиш этади...

Юртимизнинг тобора обод бўлиб, қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, Ватанимизнинг тараққиётдаги ютуқлари, авваламбор, мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат туфайлидир.

Эл-юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон — ўзининг ҳудудий яхлитлигини сақлашга, ўзини ўзи мудофаа қилиш, мустақиллигини асрашга қодир мамлакат. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга, ҳар қандай ёвуз кучга муносиб зарба беришга қодир бўлган миллий армиямиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида Тошкент шаҳрида барпо этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкали Ватанга қасамёд, мардлик ва жасорат мадҳияси сифатида ёшларимиз, ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий оламини бойитиш, уларда бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

«Ватан азиздир». Ватанимиз мадҳ этилган, Ҳазрати инсон улуғланган бу қўшиқ янграганда беихтиёр унга жўр бўласиз. Шундай ҳузурбахш лаҳзаларда бу оламда бетакрор она Ўзбекистонимизнинг яккаю ягона эканлиги, шу муқаддас заминга эҳтиром туйғуси ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши зарурлигини янада теранроқ англаймиз.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси телевидение орқали бевосита томоша қилди. Бутунжаҳон глобал ахборот тармоғи — Интернет орқали у дунёнинг барча ҳудудларигача кириб борди.

...Самода ранг-баранг мушаклар жило сочади. Сеҳрли ёғдуларга боқиб қалбларимиздан ҳаяжон тошади.

Кўнгилларимиздаги энг олий тилаклар тилга кўчади:

— Истиқлолинг муборак бўлсин, она Ўзбекистоним!

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси
ЎзА суратлари

«КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО» МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

(Бошланиши 1-бетда.)

— Бу ғояларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунтиришимиз керак. Баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамияти катта. Буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суянамиз. Бугун Ўзбекистонимиз эришган буюк марраларда, оламшумул ютуқларда ёшларимизнинг ўрнини, уларнинг ҳал қилувчи кучга айланганини кўрамиз.

Обида тепасига ўрнатилган баландлиги 5 метр, вазни 32 тоннадан иборат, айланиб турувчи улкан Ер шари узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Унда Ўзбекистонимиз харитаси тасвирланган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, дунё билан юзлашди, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллади, деган теран маъно ифодаланган. Президентимиз театрнинг янги биносини кўздан кечирар экан, бундай замонавий санъат саройлари томошабинларнинг бадиий диди ва савиясини ўстиришга хизмат қилишини таъкидлади.

— Театр — тарбия маскани. Ёшларимизни турли мафкуравий таҳдидлар ва ғараз ниятли кучлардан, таъсирлардан асраб-авайлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ёшларни тўғри йўлга бошлашда панд-насиҳат билан кифояланиб бўлмайди. Эзгуликни, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар қилиш керак. Ана шундай амалий тарбия омилларидан бири театрдир. Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур. Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш керак, — деди Юртбошимиз.

Президентимиз мажмуа ҳудудида вилоят иқлимига мос дарахтларни кўпайтириш ва яшил ҳудудларни янада кенгайтириш юзасидан тавсиялар берди.

Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросни, тарихий-меъморий обидаларни асраш, уларни келгуси авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухородаги Масжиди Калон, Чорбакр каби қатор обидалар таъмирланиб, асл қиёфасига келтирилди. Президентимиз ташаббуси билан Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари обод манзилларга айлантирилди.

Юртбошимиз шу куни Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

СУРУР

ПАРВОЗИНГ БАЛАНД БЎЛСИН!

Куала-Лумпур. Меҳмонхона бехосдан жиринглаган телефон қўнғироғи мени сергак торттирди, ҳам шодландим. Хорижий мамлакатда сени йўқлайдиган кимнингдир борлиги қувонарли бўларкан. Аэропортда танишган юртдошларимиздан бири қўнғироқ қиларкан, салом-аликдан кейин дарров мақсадга кўчди:

— Мустақиллигимизни нишонламоқчимиз, университетимизга келинг. Куала-Лумпурдаги барча ўзбек талабалар ва элчихона ходимлари йиғилади. Фикрларингиз билан ўртоқлашинг.

Бу мен учун қувончли хабар эди. Юрт соғинчи юракни ўртай бошлаганига анча бўлган. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни эсда қоларли нишонлаш учун ҳали уч-тўрт кун вақт борлигига қарамасдан, тараддудга тушиб қолгандим.

Ниҳоят, белгиланган кун келди. Хурсандчилигимизнинг чеки-чегараси йўқ. Муҳташам залга давлатимизнинг рамзи — байроғимизни ўрнатдик. Саҳна ўзбекона жиҳозлар билан безатилди. Барча йигитларнинг бошларида дўппи, белларида белбоғ. Дунёнинг турли мамлакатларидан йиғилган талаба ёшлар тўпланди. Биз уларни инглиз тилида она Ўзбекистонимизнинг тарихи ва бугуни билан таништирдик. Бой маънавий ва илмий меросимиз, тараққиёт йўлимиз кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Саволларга муносиб жавоблар қайтарилди. Университет мутасаддиларига совға қилинган дўппи, тўн ва белбоғ уларни бениҳоя қувонтирди. Профессор-ўқитувчилар миллий кийимларимизда биз билан ўзбекча рақсга тушдилар. Бир лаҳзага ўзимизни худди Ўзбекистондагидек ҳис қилдик. Мустақиллик шукуҳи белимиздаги белбоғ сингари ҳаммамизни бирлаштириб, ҳадсиз-ададсиз қувват бағишлади.

БЕЛДА БЕЛБОҒ БИЛАН

Мустақиллик шукуҳи, истиқлол неъмати ...

Бу гапиришгагина осон бўлган иборалар. Уларнинг замирида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг аччиқ кўз ёшлари, изтироблари ва армонга айланган умрлари яширин. Мустақилликни орзу қилиб, умрини сургунда, панжаралар ортида ёки совуқ ўрмонларда ўтказганларнинг адоғи бормикан ...

"Кўчадан соқчи отлиқлар назорати остида кўк тўн кийган минглаб ўзбеклар ўтиб борарди. Ўрта Осиёдаги кўзғолон бостирилган эди, ўзбекларни эса Мурманскка — шимолий темир йўл қурилишига — муқаррар ўлимга ҳайдаб кетмоқда эдилар. Илк қор парчалари уларнинг бодомнусха қора дўппиларига қўнмоқда. Маҳкумларнинг бу оқими бир неча кун давом этди".

Мазкур парча Константин Паустовскийнинг "Ҳаёт ҳақида қисса" асаридан олинган. Бу жумлаларни хаёлан кўз ўнгингда гавдалантирганинг сайин истиқлол насимлари кезаётган осойишта Ватан, ёруғ кунларимизга қайта-қайта шукрона айтасан. Она Ўзбекистонимиз ривожи учун хизмат қилишга яна бир карра белни маҳкам боғлаб отланасан киши.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК САБОҒИ

1991 йил 1 сентябрь. Она Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки паллалари. Ҳамманинг тилида мустақиллик...

Бизнинг болалигимиз айнан ўша шукуҳли кунларга тўғри келганди. Ўқитувчи бўлиб ишлайдиган дадам қўлимдан тутиб, мактабга етаклагандилар ўша йили.

Ўша куни биз умумтаълим мактабининг 1-синфига суҳбат асосида қабул қилиниб, таҳсилни бошладик. Бутун вужудимиз қулоққа айланган, синфимиздаги болалар ўзларини муҳим бир ишга киришаётгандек тутарди.

— Азиз ўқувчилар, биз мустақилликка эришдик, — дедилар муаллим дона-дона қилиб. — Сизлар яхши билим олиб, етук мутахассис бўлишларингиз, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишига, Ватанимиз донгининг дунёга танилишига хизмат қилишларингиз керак.

Болалик онгимизга муҳрланган бу сўзлар жаранги, масъулият залвори ортса ортдики, бизни сира тарк этмади. Аксинча, янги-янги марраларни забт этишга чорлаб турди.

Истиқлол туфайли чекка қишлоқларимизда ҳам шаҳарлардагидан қолишмайдиган мактаблар қурилди, улар замонавий лаборатория ускуналари ва компьютерлар билан жиҳозланди. Бундай қулай имкониятлардан унумли ва ўз ўрнида фойдаланган ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани бугун одатий ҳол, бир вақтлар эса орзу эди, холос. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб, жаҳон олимларининг эътирофига алоҳида тушаётганлар ҳам Ўзбекистон ёшлари экани қувончли.

Баркамол авлодни камол топтириш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг самараси барчамизга аён. Биргина ўтган йилнинг ўзида юртимиз бўйича 1957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1622 таси айнан қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Шулар қаторида 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларимизда бунёд этилгани ва реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим. Президентимиз таъкидлаганидек: "Бир ўйлаб кўрайлик, бундан ўн-ўн беш йил олдин мактабларимиз, умуман, таълим муассасаларимиз қай аҳволда эди?

Ўша пайтда уларнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланишини, спорт инфратузилмасига эга бўлиши, мактаб ҳаётига интернет тизими кириб боришини ким фараз қила олар эди?"

ТИЛЛАШУВ

Битириш арафасида ҳамма ўзи севган касбнинг этагини тутиш тадоригига тушиб қолган, ҳар ким танлаган олий ўқув юртига кириш учун астойдил ҳаракат қиларди. Истиқлолнинг дастлабки кунларида мактабга илк қадам қўйган жажжи ўғил-қизлар орадан йиллар ўтиб, олий ўқув юртларининг талабаларига айландик. Мен ҳам Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ўқий бошладим.

Ҳар гал талабалар турар жойидан университетга қатнарканман, Тошкент давлат техника университети ҳовлисидаги Абу Райҳон Беруний-нинг ўткир нигоҳлари қаршисида ҳисоб бериб ўтиш осон кечмасди. Улуғ аллома бир нуқтага тикилган кўйи бизни, хатти-ҳаракатларимизни кузатаётгандек кўринарди. Бинобарин, она диёримиз аҳли нафақат жаҳон жамоатчилиги эътиборида, балки ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимизнинг маънавий нигоҳи остида яшаётгани ҳам рост. Шу боис, улуғларимиз олдида ҳисоб бериш, бурчдорлик туйғуси доимо биз билан бирга.

КОИНОТДА НОМ ОЛГАН ЗАМИН...

Яқинда Гарвард (АҚШ)даги Халқаро кичик сайёралар маркази коинотдаги янги 210271 рақамли кичик сайёрага Самарқанд шаҳри номи берилганини маълум қилди. Ўзбек олимлари томонидан кашф қилинган сайёрага давлатимиз раҳбарининг таклифи билан кўҳна ва ҳамиша навқирон, астрономия фанининг бешиги — Самарқанд номи берилди. Рости, бу хушхабардан жуда хурсанд бўлдик.

Самода Самарқанд сайёраси сингари улуғ боболаримиз номи билан боғлиқ яна бир неча кичик сайёраларнинг кезиб юргани фахр ва ғурур туйғуларимизни яна ҳам юксалтиради. Ана шундай бетакрор диёрнинг фарзанди эканингга шукрона келтирасан. Беихтиёр "Парвозинг янада баланд бўлсин, она Ўзбекистоним!" — дея ҳайқиргинг келади.

Азиз НОРҚУЛОВ

АНЖУМАН

Мамлакатимизда ижод аҳлига, жумладан, ёш ижодкорларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик уларнинг адабий фаоллигини янада оширмоқда. Бу жиҳатлар ҳар йили юртимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллик айёми арафасида ўтказилаётган тадбирларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

ШЕЪРУ ШУУР БАЙРАМИ

Яқинда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида истиқлолимизнинг 19 йиллигига бағишланган «Шаҳрихонсой мавжлари» адабий анжумани бўлиб ўтди. Унда Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида яшаб ижод қилаётган 66 нафар ёш ижодкор иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Тўлан Низом, шоирлар Рустам Мусурмон, Олимжон Холдор, Қобил Мирзо, Энахон Сиддиқова, Дилбар Ҳайдарова ва бошқалар қатнашди.

Анжуманни Шаҳрихон тумани ҳокими Ф. Расулов очиб, юртимизнинг улуғ айёми билан ҳамоҳанг ўтказилган шеърият байрамини Юртбошимиз томонидан ёш қаламкашларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва рағбатнинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Ёш шоир ва шоираларнинг устоз ижодкорлар эътиборига тақдим этган асарлари муҳокама этилиб, ғолиблар аниқланди.

Биз анжуманда «Энг яхши асар муаллифи", дея эътироф этилган ижодкорларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

— Антонина Иплина наманганлик шоира:

— Ҳайрат ва ҳаяжонга тўла кечган шеърият байрами қалбимда ўзгача ҳис-туйғуларни уйғотди. Айниқса, Ватан мадҳига йўғрилган шеърларим устоз ижодкорлар назарига тушганидан бениҳоя қувондим. Мушоиралар давомида тенгдошларимизнинг ҳам ижодий намуналаридан баҳраманд бўлдик. Сараланган шеърларимиз республикамиздаги нуфузли газета-журналларга тақдим этилгани дилимизни ғурурга тўлдирди. Келажакда гўзал шеърлар ёзишга ундади.

— Иззат Муҳаммад андижонлик шоир:

— Ватан мадҳини куйламоқ ҳар бир қаламкаш учун улуғ саодат. Аммо юрт шаънига битилган шеърларнинг барчаси ҳам қалбларни бирдай ҳаяжонга солавермас экан. Буни мушоира пайтида яна бир бор англадим. Шеърий машқларим нуфузли ҳакамлар томонидан юқори баҳоланганидан қувондим. Бу келгусида пухта асарлар ёзишимга замин яратди, десам муболаға бўлмайди. Барча тенгдош ижодкорларга самарали ижодий изланишлар тилайман.

Ҳа, бундай эзгу тилаклар анжуман давомида ҳар бир уйғоқ қалбли ёшлар дилидан ўтган бўлса не ажаб. Шаҳрихонсой бўйларида янграган янги овозлар бир кун келиб шеъриятимиз бўстонини яшнатишига ишонамиз.

Адиба УМИРОВА

«Агробанк» ОАТБнинг
Урганч тумани «Қоровул»
филиали ҳамда
Урганч шаҳар
халқ таълими бўлими
жамоалари
барча ватандошларимизни
Истиқлолимизнинг 19 йиллик айёми
билан муборакбод этади.
Азизлар, хонадонингизни
тинчлик-хотиржамлик,
қалбингизни қувонч
ҳеч қачон тарк этмасин!

Қашқадарё
вилояти
«Эскианҳорканал»
масъулияти чекланган жамияти
жамоаси
Серқуёш диёримиз халқини
энг улуғ, энг азиз айёмимиз —
мамлакатимиз мустақиллигининг
19 йиллиги билан
табриклайди.
Тинчлик-хотиржамлик,
сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик,
бахт ва омад доимо ҳамроҳингиз
бўлишини тилайди!
Истиқлолимиз абадий,
тараққиётимиз ва
осойишталигимиз
барқарор бўлсин!

МИНБАР

СЎЗ АЙТИШ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари ўзига хос тадрижий ривожланиш босқичини босиб ўтди. Миллий матбуотимиз шаклланиб, журналистлар ўз касбларига масъулият билан ёндаша бошладилар. Таъбир жоиз бўлса, бугун юртимизда оммавий ахборот воситалари ахборотлашган жамиятнинг муҳим бўғинларидан бири ва ахборот тарқатишнинг энг ишончли ҳамда кенг қамровли тармоғига айланди. Сўз эркинлиги, ижод эркинлигининг таъминлангани, журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилгани соҳа ривожига муносиб хизмат қилаяпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берар экан, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уни янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио ва телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш билан бирга кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига ҳам мадад бўлишини алоҳида таъкидлади.

Шу маънода, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш устувор вазифалардан саналади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг ошкоралигини таъминлаш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир ўнга яқин қонун, кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Соҳа ходимларининг эмин-эркин фаолият юритишлари учун яратилган бундай мустаҳкам ҳуқуқий асос оммавий ахборот воситалари сонининг йил сайин ортиши, мустақил босма ва электрон ОАВнинг тобора ривожланишига кенг имкониятлар яратмоқда.

Факт ва рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 1994 йилда республикамизда 475 та босма ва электрон оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлгани ҳолда, бугунга келиб уларнинг сони 1172 тага етганига гувоҳ бўламиз. Мамлакатимизда 687 та газета, 242 та журнал, 18 та бюллетень-ахборотнома, 4 та ахборот агентлиги, 36 та радио, 61 та телестудия, 124 та веб-сайт ишлаб турибди. Бугун фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларининг 50 фоиздан ортиғи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келади.

Албатта, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдига қўйилаётган талаблар ҳам кўп. Лекин Юртбошимиз таъкидлаганидек, энг асосий, ҳал қилувчи талаб — ҳаётни тўлақонли акс эттиришдан иборат. Айни вақтда матбуот ёки эфир орқали ҳақиқатни ёритиш, одамларга етказиш ҳар қайси журналистнинг билим ва тажрибаси, унинг профессионал маҳоратига, фуқаролик позициясига боғлиқ. Бу борада журналистларимиз, айниқса, ёш қаламкашлар ўз маҳорати, билим ва истеъдоди ҳисобидан замонавий ахборот воситаларининг имкониятлари, ахборот тўплаш, уни оммага етказишнинг усул-услублари ҳақида етарли малака ва кўникмаларга эга бўлишлари муҳим.

Ҳозирги глобаллашув даври шиддати, қўшни мамлакатлардаги қалтис вазият, қолаверса, халқаро миқёсдаги долзарб масалалар ҳамда муаммоларни теран ва соғлом фикр билан баҳолаш ўзбек журналисти зиммасига жиддий масъулият юклашини унутмаслик лозим.

Ҳозирги тезкор замонда ахборотлашган жамиятнинг асосий хусусияти — ахборотнинг энг қиммат товар сифатида экспорт қилинишида кўринади. Лекин биз бундай товарларнинг барчасини ҳам ижобий деб, айта олмаймиз. Чунки уларнинг орасида бутун бошли миллатнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган, унинг ўзлигини йўқотишга қаратилган ғараз ва чиркин ғоялар билан суғорилган ахборотлар ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз.

Сир эмас, айрим қора кучларнинг мақсади қай бир давлатда бўлмасин, ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятдаги бунёдкорлик муҳитини, барпо этилаётган фаровон, осуда ҳаётни бузиш, шу орқали ўз манфаатларига эришишдан иборат. Бунинг учун улар турли жирканч ҳаракатларга қўл уришдан, хусусан, информацион урушлар очишдан ҳам тоймайди. Уларнинг асосий мақсади халқни саросима, ваҳима ва қўрқувга солиш орқали одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши гиж-гижлаш, маълум бир минтақада ўз манфаатига хизмат қиладиган сиёсатни ўтказишдан иборат.

Бинобарин, айни замондаги мураккаб вазиятни кузатадиган бўлсак, мустақил давлатларга демократияни экспорт қилиш васвасаси, ҳарбийлаштириш йўлидаги уринишлар, диний экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро терроризм, гиёҳвандлик ва одам савдоси, ахборот хуружи бугун жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётганига гувоҳ бўламиз.

Энг ёмони, бундай таҳдид ва тажовуз ортида турган кучлар ўз хатти-ҳаракатлари йўлида дунёга демократияни ёйиш, жаҳон халқларига бахт-иқбол, эркинлик бериш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек олижаноб ғояларни ниқоб қилиб олган. Масаланинг яна бир жиҳати, улар глобаллашув жараёнидан фойдаланган ҳолда дунё халқларидаги ўзига хослик пардаларини сидириб ташлашга ҳаракат қилмоқда.

Маънавий таҳдид манбаларининг бундай ғайримиллий мафкура қуроли миллий маънавиятимизга мутлақо ёт. Шундай экан, унга қарши фаол курашишимиз лозим. Юртимизда қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлардан талвасага тушган ғараз ниятли кучларга «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат» билан жавоб қайтариш биринчи навбатда журналистларнинг бурчи ва масъулиятидир.

Бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида биз депутатлар бор куч ва билимимиз, салоҳиятимизни ишга солиб, журналистларнинг янада эркин ва самарали ижод қилишлари йўлида ҳуқуқий кафолатларни яратиш борасида изланаверамиз.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

ДИЛ ИЗҲОРИ

ЮКСАК БАҲО ҚУВОНЧИ МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ЮКЛАЙДИ

Матбуот нашрларига меҳру муҳаббатим оила муҳитида, болалик чоғимдаёқ уйғонган. Дадам раҳматли обунадан сира пулни аямасди. Шунинг эвазига хонадонимизга келтириладиган газета-журналларни биз фарзандлар талашиб ўқирдик.

Ўша дамларда ва кейинчалик ҳам турли мавзудаги мақолаларни мутолаа қиларканман, бу битикларнинг муаллифларига ҳавасим келарди. Журналистларнинг сўзга бойлиги, фикрни таъсирчан ифодалай олишидан ҳайратда қолардим.

Ана шу ҳайрату ҳавас борабора орзу-умидга, сўнг эса қатъий мақсадга айланди. Дастлаб «Норин овози» газетаси таҳририятида иш бошладим. Беш йилдан буён «Наманган ҳақиқати» газетаси ижодкорлари сафидаманки, бу даргоҳ мен учун чинакам маҳорат мактаби бўлмоқда. Таҳририятнинг Файзулла Сирожиддинов, Нўъмонжон Дармонов, Маҳмуджон Парпиев, Рустамжон Умматов, Рисликҳон Мажнунова каби тажрибали журналистларидан соҳага доир кўп нарса ўргандим.

Улардан олган сабоқларим ҳар бир мақоламни ёзишимда ўзига хос қўлланма вазифасини бажаряпти.

Бугун қайси мавзуда мақола тайёрлашимдан қатъи назар, устозлар ишончини оқлаш ҳаракатидаман. Шундай чин дилдан, жон қойитиб ишлаш эса она-Ватаним, она халқим олдидаги фарзандлик бурчимдир.

Ўз бурчимни бажариш йўлидаги камтарона меҳнатим давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, мен «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан тақдирландим. Бу юксак мукофот нафақат мени, балки оиламизни, жамоамизни, барча ёр-биродар, ҳамкасбларимизни беҳад қувонтирди.

Шу билан бирга бу унвон зиммамга янада кўпроқ масъулиятни юклади. Буни мукофотланганимдан кейин биринчи мақоламни ёзишдаёқ яққол ҳис этдим. Яъни қаламимнинг маҳсули бўлмиш ҳар бир сатрни юксак унвон соҳиби, деган шарафли номга муносиб тарзда газетхонларга етказишим зарурлигини англадим.

Бир сўз билан айтганда, бундан кейинги фаолиятимни янада кучайтириб, эл-юрт ишига камарбасталигимни янги ғайрат ила изчил давом эттираман.

Равшанбек МАМАДИЕВ



Азиз юртдошлар!

O'ZVINOSANOAT-XOLDING

компанияси жамоаси

Сизларни Ватанимиз мустақиллигининг 19 ЙИЛЛИГИ билан самимий муборакбод этади!

Барчага оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик тилаймиз.
Хонадонларимизда ҳамиша меҳр-оқибат, яхшилик ва саховат барқарор бўлсин.
Юртимиз янада гуллаб-яшнасин ва тараққий этсин.
Келажагимиз соҳиблари бўлмиш баркамол авлод вакилларининг парвози юксак бўлаверсин!



ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

15 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ҲАЖМИДАГИ ЗАРАР

Россияда чоп этиладиган бизнес-рўзнома — HSBC ҳисобкитобларига кўра, Россияда июль-август ойларида юз берган ўрмон ёнғинларидан кўрилган иқтисодий зарар ялпи ички маҳсулотнинг 1 фоизи, яъни 15 миллиард долларга тенгдир. Шунча ҳаракатларга қарамай ёнғинлар давом этмоқда. Москва вилоятида ёнғинни ўчириш бўйича йирик авиация гуруҳи тузилди. Об-ҳаво имкон бериши биланоқ самолётлар ёнғин устидан сув сочиш учун ҳавога кўтарилмоқда.

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, Москва вилоятида табиий ёнғинларнинг 70 та манбаи сақланиб қолмоқда. Энг қийин вазият вилоятнинг шарқи ва жанубишарқида кузатиляпти.

Россиянинг ёнғин чиққан бошқа ҳудудларида вазият бироз нормаллашгани хабар қилинмоқда. Фавқулодда вазиятлар вазири Сергей Шойгунинг гапларига қараганда, Липецк, Тула ва Белгород вилоятларида барча ёнғинлар ўчирилган, Тамбовда битта, Ивановск вилоятида икки жойда ёнғин давом этмоқда.

Москва вилояти ва яна олтита ҳудудда фавқулодда вазият сақланиб қолмоқда. Москвада сешанба тонгига келиб ўрмон ёмғирлари тутуни бироз сусайган, аммо куйги ҳиди ҳали аригани йўқ.

Кеча пойтахтдаги ҳаво таркибида куйги газининг миқдори аввалгидан кўра икки бараварга озайган. Бироқ кечқурунга яқин шамол йўналиши яна ўзгариб, Москвага тутун уфурган.

АҚШ ҚЎШИНЛАРИНИ ИРОҚДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ РЕЖАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

АҚШ президенти Барак Обама Ироқдаги жанговар амалиётлар 31 августда якунланишини тасдиқлади, аммо Ироқда 2011 йилнинг охиригача 50 мингдан 65 мингтагача бўлган америкалик ҳарбийлар қолади.

Уларга ироқлик ҳарбийларни тайёргарликдан ўтказиш, аксилтеррор амалиётларига ҳисса қўшиш ва АҚШ манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси топширилган.

Барак Обаманинг айтишича, Ироқда жанговар амалиётларнинг тугатилиши ваъда қилинган муддат ва режа бўйича амалга оширилади.

Америка Қўшма Штатлари ва Ироқ ўртасидаги келишувга биноан, америкаликлар кейинги йил охирида мамлакатни тарк этишлари лозим.

АҚШнинг Ироққа доир сиёсати ҳақида гапирар экан, Барак Обама шундай деди: «Бизнинг қўшинларимиз етакчилигидаги ҳарбий ҳаракатлар дипломатларимизнинг олиб борадиган фуқаролик амалиётларига алмашади».

Америка Ироқдаги қўшинларининг сонини камайтираётган бир пайтда Афғонистондаги АҚШ ҳарбийлари сони 30 мингтага оширилди.

Ироқ расмийларининг таъкидлашича, 2010 йилнинг июль ойида 535 одам ҳалок бўлган ва бу июль ойи сўнгги икки йил давомидаги энг ҳалокатли ой бўлганини кўрсатади.

200 МИНГ АҲОЛИ КЎЧИРИЛДИ



Индонезиянинг Суматра оролидаги Синабунг вулқони 400 йилдан кейин яна уйғонгани оқибатида атмосферага кул ва тутун тарқаяпти. Бу оролда истиқомат қиладиганлар хавфсиз жойларга эвакуация қилинган.

Вулқон куллари катта масофага тарқалгани боис минтақадаги маҳаллий ҳаво парвозлари тўхатилган. Тахминан 1600 йилларда биринчи марта кўтарилган Синабунг вулқони шу пайтгача «уйқуда» эди. У ўтган якшанба куни яна ўз кратерларидан кул ва тутун тарқата бошлаган.

Индонезия ҳукумати мутахассиси Суронининг айтишича, душанба тонгида вулқон янада кучайган, кул ва тутун икки километрча баландликка кўтарилган.

Индонезия расмийларининг маълум қилишларича, ҳозиргача Синабунг вулқонининг олти километрлик радиусида истиқомат қиладиган йигирма мингдан зиёд аҳоли кўчирилган, уларга бошпана ва тиббий кўмак берилмоқда. Одамларга кул ва тутундан ҳимояланиш учун минглаб юз ниқоблари тарқатилди.

Бу мамлакатга тегишли кўплаб ороллар сейсмик фаол ҳисобланган боис тез-тез вулқонлар отилиб туради.

Интернет хабарлари асосида Бунёд ЗОҲИР тайёрлади

НУҚТАИ НАЗАР

Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида глобаллашув жараёнлари ҳақида сўз юритар экан, «Глобаллашув — бу, аввало, ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг гоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини барча соҳаларда кўриш, ҳис қилиш мумкин», деб ёзади.

Глобаллашув: тараққиётми ё таҳдид?!

Башарият тарихига назар ташласак, инсонни камолотга, юксак марраларга етакловчи эзгу ғоя ва таълимотлар билан уни нотўғри йўлларга бошловчи зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш бўлиб келганига гувоҳ бўламиз. Қайд этиш керакки, бу зиддиятли кураш бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Шаклу шамойилини ўзгартирган, аммо моҳиятини сақлаб қолган бу кураш ҳозирги глобаллашув жараёнларида янада шиддатли тус олмоқда.

Бу жараённинг мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ҳамда салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларида ҳам яхши ифодаланган: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётгак ҳаво довулга айланиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни йиқитиб юборишини ҳам истамайман».

Чегара билмас глобаллашув жамиятнинг барча соҳаларига, шу жумладан, миллий маънавиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг қайд этишларича, бугунги кунда нафақат ривожланган давлатлар аҳолиси, балки Австралия чакалакзорлари, Африка саванналарида яшаётган қабилалар ҳам ўз турмушида замонавийликнинг таъсирини ҳис қилиб турибди. Маҳатма Гандининг фикрларидан келиб чиқиб, миллий маънавиятни бир уйга қиёсласак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Шундай экан, биз ҳам ёт ғоялар, оқимлар ва мафкураларнинг маънавиятимизга вайрон қилувчи таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чораларини кўришимиз табиий.

Марказий Осиё мамлакатлари Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашган. Шу сабабли бу ҳудудда яшаган аждодларимиз ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятнинг ижобий томонларини ўзлаштирибгина қолмай, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга кўтарганлар. Буни нафақат Ватанимиз, балки умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди мисолида яққол кўриш мумкин. Масалан, Абу Райҳон Беруний Хитой ва Ҳиндистон, Юнонистон ва Рум фалсафасини, табиий фанларини чуқур ўзлаштирган. У Ҳиндистонда бўлган пайтида ҳинд фани ва маданиятини ўрганар экан, қадимги манбаларни ўқиш учун қадимги ҳинд тили (санскрит)ни билиш лозимлигини англайди. У санскритни қисқа фурсатда чуқур ўзлаштиргач, тез орада қадимги ҳинд маданияти ва фанини асл манбалардан ўргана бошлайди.

Жаҳон маданияти тарихида чуқур из қолдирган Абу Наср Форобий ҳам ўнлаб тилларни билган, уларнинг маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Муҳим жиҳати шундаки, буюк боболаримиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганиш билан чекланишмади. Уларни чуқур таҳлил этишди, тегишлича ривожлантириб, оламшумул кашфиётлар яратишди.

Аждодларимиз тарихи жаҳон маънавиятига ҳурмат билан қараш, уни ўрганиш ва ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эришиш мумкинлигидан гувоҳлик беради.

Ҳар қандай халқ маънавиятининг ривожига назар ташланса, бошқа халқларнинг удумлари ва анъаналарини танқидий ўзлаштириш орқали ривожланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқиндаги қўшиларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида ривожланиб келмоқда. Маънавиятимизнинг ривожланиш тарихини кузатсак, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Қадимда Буюк ипак йўли ўз аҳамиятини йўқота бошлагани, ҳудудимиз савдо йўлларидан четда қолгани иқтисодий муаммоларни кўпайтирди. Бундан чиқаришимиз лозим бўлган энг муҳим хулоса шундаки, глобаллашув жараёнидан четда қолганимиз бизнинг миллий маънавиятимизга, руҳиятимизга салбий таъсир ўтказди. Демак, биз глобаллашув жараёнида оқилона йўлни топа олсак, тараққиётга эришишимиз мумкин. Оқилона йўл эса глобаллашувни тўла инкор қилиш ёки чапак чалиб кутиб олишда эмас, унинг йўналишига мослашишда, кези келганда уни ўзимизга мослаштиришда. Бунинг учун эса муттасил мушоҳада ва таҳлил қилиш лозим.

Бу жараёнда четдан кириб келаётган ҳодисаларнинг қайси бири маънавиятга таҳдид солади, қайси бири эса ҳаётбахш эканини аниқлаб олиш шарт. Шунинг учун четдан келаётган ҳар қандай ғояни ёт ва бузғунчи, деб эълон қилишдан олдин улардан миллий манфаатларимиз йўлида фойдаланиш мумкин ёки аксинча экани тўғрисида ўйлаш лозим.

Бугун замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз ва тезкорки, унга бепарво қараб бўлмайди.

Бугун, айниқса, ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет орқали ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Бу улар ҳаётида ҳам салбий, ҳам ижобий аҳамият касб этиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ахборот ва телекоммуникация соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, нафақат шаҳарларда, балки юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам уяли алоқа телефонлари ишлаб турибди. Бундан атиги ўн беш йил илгари замонавий технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан бири сифатида қаралган бу алоқа воситасидан фойдаланиш ҳозирда оддий воқеликка айланди. Мобиль аппаратлар ёрдамида нафақат сўзлашиш, балки SMS хабарлари жўнатиш, телеканалларни томоша қилиш, радио, мусиқа тинглаш, видео ва фототасвирга олиш, Интернетдан фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини қайд этишга ҳожат йўқ. Уяли алоқа телефонининг «дунёнинг нариги тарафини бир қадам» қилиб қўйгани яхши, албатта. Аммо бу имкониятдан ақл билан фойдаланиш ҳам муҳим фазилат.

Кино одамларнинг жону дили. Кинони инсонни мардликка, жасурликка, ватанпарварликка, инсонийликка ўргатадиган санъат тури сифатида биламиз. Бугун эса театр, рақс, қўшиқ, мусиқа каби бир қатор санъат турларини ўзида мужассамлаштирган кино ёвуз ва зарарли ғоялар тарғиботчисига айланганини ҳам кўраяпмиз. Унинг оммавий ғоявий таъсир ўтказиш имконияти ҳам кенгайган. Айниқса, Ғарб кино маҳсулотларининг аксарияти ахлоқий бузуқликнинг тарғиботчисига айланиб бўлди.

Кино инсон онги ва хулқига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос услуб ва имкониятларига эга эканини кишилар (кўпинча ёшлар)нинг кино қаҳрамонларига тақлид қилишларида, уларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳатто кийинишларини такрорлашга интилишларида кўриш мумкин. Кино қаҳрамонлари айтган ибора ва гапларни ҳам кинонинг одамлар хулқига таъсирини кўрсатувчи ҳаётий мисол сифатида қараш ўринли.

Кундалик ҳаётимиздан муқим ўрин олаётган замонавий технологиялардан бири, шубҳасиз, Интернетдир. Таъкидлаш жоизки, бугун мазкур глобал тармоқ ахборот олиш ёки маълумот излаш воситаси мақомидан электрон тижорат, масофавий таълим воситаси, видео, тасвир айирбошлаш, ҳаттоки, иш қидириш учун ҳам маълумот олиш манбаи даражасигача "кўтарилди".

Бугун жаҳонда содир бўлаётган оламшумул ўзгаришлардан тортиб, оддий хабарларгача ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, илм-фандаги инсонни лол қолдирадиган янгиликлар, ихтиролар — буларнинг барчаси, асосан, Интернетдан жой олмоқда. Компьютер тармоғида яратилаётган бундай имкониятлар унга бўлган талабнинг тобора ошиб боришига замин яратаяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, дунё бўйлаб айни пайтда 1 миллиард 250 миллион киши Интернетдан муайян даражада фойдаланиб келмоқда ва on-lane тизимига бўлган қизиқиш бундан кейин ҳам оммавий равишда ортиб бораверади.

Таъкидлаш керакки, Интернет умумжаҳон алоқа тармоғи сифатида бир қанча ижобий хусусиятларга эга. Бироқ, вақт ўтиши билан унинг ўзига хос ижобий, салбий жиҳатлари ҳам мавжудлиги сезилиб қолаяпти.

«Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин, — деб таъкидланади давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида. — Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз».

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, авваллари эзгулик ва ёвузлик — бу икки тушунча асл ҳолида намоён бўлганига гувоҳ бўламиз. Бироқ инсоният тараққиётининг кейинги босқичларида ёвузлик «замонавий»лик ниқоби остида, ундан ҳам даҳшатлиси эзгулик номидан иш кўра бошлади. Афсуски, бу жараён Интернет саҳифаларига ҳам кўчиб, бани башарга ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Хусусан, ахборот оламидаги турли янгиликлар билан ниқобланган хавф-хатарлар глобал тармоқ орқали мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда қулай қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қила бошлади. Натижада минтақалар хавфсизлиги ва барқарорлигига, шунингдек, ахлоқий-маънавий қадриятларга жиддий таҳдидлар вужудга келмоқда.

Айниқса, ахборот ва мафкура соҳасидаги курашлар кун сайин шиддатли тус олаётган ҳозирги даврда экстремистик характердаги, секта ва турли хил уюшмалар сайтларида кўплаб бузғунчи ғояларнинг "экспорт қилинаётган" дунё халқлари ўртасида миллий, диний тарбия, урф-одатлар борасида нотўғри қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлаяпти.

Айни пайтда мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг барчаси, ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим мактабларининг кўпчилиги Интернетга уланган.

Интернетнинг соғлом сайтлари орқали тарқатилаётган жуда кўп маълумотлар талабаларнинг янги билимларни ўзлаштиришларида асқотмоқда. Шу маънода, Интернет ёшларнинг билим даражасини юксалтиришга ҳисса қўшаяпти. Бироқ талабалар ахборот олиш жараёнида унинг яхшисини ёмонидан ажратишни, Интернетдан фақаттина ўз билимини бойитишда фойдаланиш йўлларини билишлари лозим.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан мулоқотларининг бирида Интернетнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уни катта бир дўконга қиёслаган ва «Бу дўконга кирган одам ўзига керакли молни харид қилади. Лекин гап мана шу дўкондан нимани олишда» деб алоҳида таъкидлаган эди. Шундай экан, ўзимиз, айни пайтда фарзандларимиз ана шу «катта дўкон»нинг молини харид қилишда жуда эътиборли бўлишимиз керак.

Нурали ДОНАБОЕВ,
Бунёд АБДУЛЛАЕВ

САНА

Садоси юракларда жаранглар боқий

Биринчи қўнғироқ! Замирида катта рамзийликни яширган бу дамлар ҳар қандай кишини энтиктиради, уни олис болаликнинг шўх-шодон кунларига етаклайди. Зеро, олам-олам орзулар билан таълим масканига қадам қўйган ҳар бир жажжи ўғилқиз айнан мана шу қўнғироқ садоларини тинглагач, таълим олишни бошлайди. Модомики, бирор ишнинг қай тариқа ривож топиши унинг ибтидосига боғлиқ экан, бу дастлабки одимлар ҳам мактабни битирган ўсмирнинг бир умр ёдидан чиқмаслиги ҳам айни ҳақиқат. Инсон улғайиб, катта ҳаёт уммонига шўнғиганида ҳам биринчи қўнғироқ садоси юрагининг бир бурчагида садо бериб тураверишш шундан. Биринчи қўнғироқ, то тирик эканмиз ҳаёт йўлимизда мувозанатни белгилаб турувчи огоҳлик қўнғироғи бўлиб янграйверади!..

Бугун юртимизда ёшларнинг маънан баркамол бўлиб вояга етишларига давлат даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зотан, бугунги ёшларнинг билимли, лафзи ҳалол ва жасоратли бўлиб вояга етишларида, тенгқурлари билан ўзаро мусобақага киришишларида фан сирларини ўзлаштиришларида таълим масканларининг ўрни ва роли беқиёс.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими жамиятда амалга оширилаётган янгиланишлар билан ҳамоҳанг тарзда тараққий этиб бормоқда. Ўз тараққиёт йўлини белгилаб олган юртимизда давлат ва жамиятнинг келажакдаги равнақи ёш авлод камолотида деб ҳисобланиб, бу йўлда барча зарурий шарт-шароитлар муҳайё қилинаяпти. Хусусан, жаҳон эътибор этган кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий бўғини – халқ таълими соҳасини ривожлантиришда ҳам муайян ютуқларга эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида бажарилган ишлар кўлами кишида фахр туйғусини уйғотади. Жумладан, республикамиздаги барча таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Жаннатмонанд диёримиздаги жами 9772 та мактабнинг 1559 таси янгидан қурилди, 8213 таси эса тубдан таъмирланди. Уларда келажак ворислари ҳеч нарсадан зориқмай таълим ва тарбия олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилди. Физика, кимё лабораториялари, биология хоналари хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтираётгани бор гап. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам бўлмаган, дунёнинг энг тараққий этган давлатларидаги тенгдошлари билан бир хил шарт-шароитда юксак марраларни забт этяптилар. Биргина мисол буни уларнинг халқаро фан олимпиадаларида қўлга киритган ютуқлари ҳам исботлаб турибди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг инсонпарварлиги, билим бериш жараёнида ўқувчининг маънавий оламини, ахлоқий сифатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Аввалларида ўқувчига объект сифатида қаралган бўлса, эндиликда унга таълим жараёнинг фаол иштирокчиси бўлган субъект сифатида муносабат билдирилмоқда. Натижада ёшларда мустақил фаолият юритиш, фикрлаш ҳамда ўз-ўзини ривожлантириб бориш кўникмалари изчил шакллантирилмоқда. Ўз ўрнида уларнинг ушбу интилишларини муносиб рағбатлантириб бориш, фаоллик даражасини холис баҳолаш катта аҳамиятга эга. Ва бу ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Гап таълим-тарбия ҳақида кетар экан, пухта ва ҳар жиҳатдан мукаммал дарсликлар масаласи кун тартибидаги долзарб масала бўлиб қолаверади. Охирги 5 йил давомида 314 млн. 300 минг нусхада дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, таълим муассасаларига етказиб берилгани таҳсинга сазовор.

Юртимизда болаларнинг жисмонан етук бўлиб улғайишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, умумтаълим мактаблари қошида 674 та спорт заллари қуриб, фойдаланишга топширилгани, керакли спорт анжомлари ва инвентарлари билан тўлиқ таъминлангани, мазкур болалар спорт иншоотларида 2 млн. 220 минг нафар ўқувчи спортнинг 23 тури бўйича мунтазам шуғулланаётгани давлатимизнинг бу соҳага жиддий эътиборининг яққол кўринишидир. Бир сўз билан айтганда, ҳамма гап болаларнинг билим эгаллашга бўлган интилишлари ва ҳаракатларида қолган, холос. Яратганга минг шукрки, тенглар ичра тенг бўлган озод ва обод юрт фарзандлари буюк бобокалонларига муносиб издош бўла олмоқдалар.

Эртага юртимиздаги барча ўрта таълим масканларида яна биринчи қўнғироқ садолари янграйди! Навбатдаги ўқув мавсумига старт берилади. Маълумотларга қараганда, Истиқлол шукуҳи кезиб юрган шу кунларда мактаб ёшига етган 474 900 нафар болажон илк бор мактаб остонасига қадам қўяди. Мурғак кўнгилларида олам-олам ҳаяжон билан бу муқаддас даргоҳга келаётган қораки ўзлар билим олишга чанқоқ. Улар мактаб партасига ўтиришлари билан муҳим туҳфа — 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат Президент совғалари ҳамда дарсликларни қабул қилиб олишади. Бу жажжи қалбларида эзгулик, меҳр-оқибат туйғулари эндигина куртак отаётган дилбандларга олам-олам қувонч бағишлашига шубҳа йўқ. Назаримизда, бу анъана фақат жонажон Ўзбекистонимизгагина хос. Ўқувчиларни сифатли, миллий маънавиятимизга мос ўқув қуроллари, мактаб кийими ва пойабзали ҳамда дарсликлар билан таъминлаш мақсадида жойлардаги 1300 га яқин умумтаълим муассасаларида, аҳоли гавжум жойларда мактаб бозорларининг ташкил этилганини эса уларнинг отаоналарини ортиқча оворагарчиликлардан ҳимоя қилишга қаратилган тадбир дейиш ўринлидир.

Ислом СУЛТОНОВ

Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоаси

юртдошларимизни мустақилликнинг 19 йиллиги билан табриклайди.

Эл-юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ «МАТБУОТТАРҚАТУВЧИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни истиқлолнинг 19 йиллиги муносабати билан самимий табриклайди.

Тошкент туманидаги

«АЛИШЕРФАЙЗМУРУВВАТ»

фермер хўжалиги

юртимиз аҳлини Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизда асрларга татигулик улуғвор ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга бахту омад, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ФИКР

КОМИЛЛИККА ЕТИШ ЙЎЛИ

Зардуштийларнинг муқаддас "Авесто" китобида ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилади. Буюк аждодларимизнинг асарларида ҳам комилликнинг калити, комил инсоннинг фазилатлари борасида кўп мушоҳадалар юритилган. Жумладан, Алишер Навоий ижодининг асосини комил инсон тарбияси ташкил этади. Алломанинг панду насиҳатлари, қитъаю фардлари, ғазал ва рубойиларида комиллик даражасига етган ёки унга эришишга интилган инсон тараннум этилади. Навоий қаламига мансуб ушбу қуйидаги қитъага эътибор беринг-а:

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Комиллик барча замонларда ҳам энг долзарб масала бўлиб келган. У бир вақтнинг ўзида ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳият касб этган. Комиллик одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукаммалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоя. Комиллик ғояси алоҳида шахсларнигина эмас, балки бутун бошли халқларни ҳам юксак тараққиётга бошлаган, уларни маънавият ва маърифатда юксакликларга йўналтирган. Шундай экан, комилликни орзу қилмаган ва унга интилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум.

Миллий ўзликни англаш ҳам шахснинг, ҳам халқнинг маънавий камолоти билан боғлиқ. Турли даврларда жамият тараққиётидаги юксалишлар ва уларнинг омиллари, жамият тафаккуридаги ўзгаришлар айнан комил инсон шахсининг шаклланиши учун мавжуд маънавий муҳит ва яратилган шароитларга боғлиқ бўлган. Ҳатто муқаддас китобларда ҳам Одам зотининг бошига тушган кулфатларга унинг маънавий тубанликка кетгани, нафс ва эҳтиросга ортиқча берилиши каби салбий ҳолатлар асосий сабаб бўлгани кўрсатилади. Муайян давр ва замонларда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий турғунлик ёки турли инқирозларнинг содир бўлишига маънавий таназзул сабаб бўлганини кўриш мумкин.

Ўтган аср охирларидан бошлаб жаҳоннинг аксарият давлатларида айнан маънавиятга кўпроқ эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шундандир, эҳтимол. Бинобарин, дунё тамаддунига бешик бўлган Шарқ, хусусан, Туронзамин халқлари минг йилларким фарзандларида инсонликнинг энг улуғ хислатлари, фазилатларини тарбиялаш, уларнинг камолотга эришишлари учун ҳаракат қиладилар.

Шу боис давлатимиз мустақиллиги эълон қилингач, биринчи навбатда халқимиз онгига миллий истиқлол ғояси, миллий суверенитет моҳиятини сингдириш ва бу орқали жамиятда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун бир неча минг йиллик маънавий мерос асос қилиб олинди. Турли даврлар сабоқлари чуқур ўрганилди ҳамда шу асосда янги давр кишиси – баркамол авлодни тарбиялаш мақсад қилиб белгиланди. Ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш миллий ғоямизнинг асосий шартларидан бири этиб белгиланди.

Комил инсон қандай бўлади ўзи? Комил инсон — озод ва ҳур, фикрларини эмин-эркин ифода эта оладиган, ўз принциплари ва қарашларини ҳимоя эта оладиган, ўзи, оиласи ва халқи манфаатлари учун қатъият билан тура оладиган, Ватанига садоқатли шахсдир.

Аждодлар маънавий мероси хусусида аввалроқ гапирдик. Гарчи минг йиллар, асрлар ўтган эса-да, улар қолдирган бу мерос ҳали-ҳануз биз учун (ва албатта келажак авлод учун ҳам) дастурилламалдир. Имом Бухорий, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Умар Насафий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк сиймоларнинг асарларида комил инсон хислатлари, комилликка эришиш йўллари баён этилади. Мисол учун, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1442/46–1505) "Ахлоқи муҳсиний" ("Яхши хулқлар") асарида кўтарилган ғоялар инсониятни юксак одоб ва ахлоққа чақирган. Бу китобни XV асрда яратилган ахлоққа оид ҳам илмий, ҳам бадиий мукаммал асар, дейиш ўринли бўлади. Асарда муаллиф подшоҳ амалдор, фуқаронинг вазифалари ва бурчлари тўғрисида турли даврларда яшаб, ижод қилган мутафаккирлар асарлари, ўзининг бадиий ижоди орқали фикр билдиради. Подшонинг раъият аҳволидан бохабар бўлиши, уни ҳимоясига олмоғи зарурлиги, айни ўринда фуқароларнинг вазифалари нималардан иборат эканини батафсил баён қилади.

Асарга тўхталишдан мақсад эса одоб, ахлоқий етукликнинг инсон маънавиятида тутган ўрнига баҳо бериш. Шарқ, хусусан, Туронзамин халқларида маънавий комиллик, одоб ва ахлоқ юксак баҳоланади. Тафаккурида одоб-ахлоқ қоидалари бўлган инсон тубанликка бормайди. Катталарга ҳурмат кўрсатади, кичикларга иззатда бўлади. Маънавияти юксак жамият аҳли бағрикенглик тамойилларига амал қилади. Бундай жамиятда тинчлик, барқарорлик ҳукм суради, юксалиш бўлади. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президент Ислом Каримов айнан ана шу тамойиллар тараққиёт омили эканини аниқ ва равшан белгилаб берди. Республикамиз Конституцияси ва миллий қонунчилигимиз ҳам мазкур тамойиллар асосида яратилиб, уларда, аввало, инсон ва унинг манфаатлари инъикосини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида баркамол авлодни тарбиялаш, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Ёшларнинг таълим-тарбияси, замонавий илм-фан билан шуғулланишлари, малака-маҳоратларини оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Соғлом, ҳар томонлама етук, асосийси, ўз фикри ва қарашларига эга авлодни шакллантириш, таъбир жоиз бўлса, буюк ишларга қодир инсонларни вояга етказиш бугуннинг асосий вазифаси, улуғ мақсадимиздир.

Инчинун, шиддат билан ўзгариб бораётган замонда эркин ва озод Ватаннинг ҳар қарич ерини тўтиё қилиб, кўз қорачиғидек асрашга, такрор бўлса-да айтиш жоиз, ўзининг кучли фуқаролик позицияси ва қарашларига эга баркамол шахсларгина қодир бўладилар.

Алижон ЭШБОЙ,
журналист

ТАЛАБА КУНДАЛИГИДАН

Чироғи ёниқ уйдаги суҳбат

Ярим тун. Онда-сонда кўчадан ўтиб кетаётган машиналарни ҳисобга олмаганда, шаҳар аҳли осуда уйқуда. Фақат 1-сонли талабалар уйининг ўқув хонасидаги чироқ ёниқ. Дарс тайёрлаш учун қўйилган стол-стуллар тартибсиз аҳволда. Бу ерда бир неча соат илгари талабалар дарс қилишган, қаттиқ чарчашганидан стулларни тартибга келтиришга ҳам эриниб, ухлагани кетишган. Хонада фақат икки киши қолганмиз: мен ва Назира опа. Ҳар куни шу аҳвол: ўқув хонасидан гоҳида мен, гоҳида эса у охири чиқиб кетади. Ёшимизда тафовут бўлсада, бир-биримизга ўхшаш жиҳатларимиз кўп. Шовқин-суронни ёқтирмаганимиз боис ҳамма ухлагандан кейин дарс тайёрлашни бошлаймиз.

Чарчоқ ва уйқу ўз кучини кўрсатаётган бўлса-да, дарс қилишга мажбурман. Бўлмаса... Тавба, эртадан-кечгача тиним билмасам ҳам вақт етмайди-я?!. Кутилмаганда Назира опа: "Қўшиқ айтсам майлими?" — деб қолди. Мен буни бажонидил қабул қилдим. Чунки у жуда яхши куйларди-да. Чарчоғимни чиқариш ҳамда ухлаб қолмаслик учун жон қулоғим билан қўшиқ тинглашга шайландим. У ҳар доим севиб куйлайдиган қўшиғини бошлади:

Таъмагирни тортқилиб,
Нафси кўймас дейдилар.
Нокас ўзи тўйса ҳам,
Кўзи тўймас дейдилар.
Ёлғон дунё — бу дунё,
Арзон дунё — бу дунё...

Қўшиқни охиригача киприк қоқмай тингладим. Ҳаёт ҳақиқатини ўзида теран акс эттирган бу қўшиқ менга ҳам жуда ёқарди. Уйқум қочди. Бир савол мени ўйлантириб кўйди. Назира опа қувноқ қиз. Лекин у негадир маъюс қўшиқларни хиргойи қилади. Бунинг сабабини жуда билгим келиб, уни саволга тутдим:

— Нега шу қўшиқни кўп куйлайсиз?

— Болалигимдан оғир қўшиқлар куйлашни яхши кўраман. "Ёлғон дунё" қўшиғи менинг энг яқин ҳамроҳимга айланган. Қийналсам, муаммоларим кўпайиб кетса ёки чарчасам, шу қўшиқни айтаман. Шунда бирдан ҳамма дардларимни унутаман. Қўшиқдан руҳий қувват олиб, ўзимда ҳар қандай қийинчиликларни енгишга куч топаман. Ишонасизми-йўқми, 2004 йили август ойида автоҳалокатга учраб, касалхонага ҳушсиз ҳолда олиб келинганман. Оғриқлар исканжасида ётган пайтимда мана шу қўшиқ мени ҳаётга қайтарди. Ўзимга келганимда бор овозда "Ёлғон дунё"-ни айтган эканман.

Назира опанинг сўзларини эшитиб яна хаёлга берилдим. Орага бир неча дақиқалик жимлик чўкди. У китобдан ниманидир кўчира бошлади. Қизиқсиниб қарасам, тиббиётга алоқадор китоб экан. Назира опа менинг қараб турганимни кўриб: "Нима қилай, тиббиётга ҳам қизиқаман. Қўлимдан келса, дунёдаги барча беморларни даволагим келади", — деди.

Ҳа, шифокор беморларни тузатади, яхши қўшиқ эса инсон қалбини даволайди. Куйлашга яхшигина истеъдоди бор қиз нега санъатни эмас, журналистикани танлади экан? Суҳбатни узилган жойидан давом эттириш мақсадида унга яна савол бердим.

— Болалигимда ўзим ҳам қўшиқчи бўламан, деб ўйлар, Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинг "Самарқанд", "Азизим — онам" қўшиқларини ёзиб олиб, хиргойи қилиб юрардим, — деди Назира опа. — Аслида санъатга бўлган қизиқиш менга онамдан ўтган. Онам санъаткор эмас, оддий уй бекаси, қишлоқ аёли, санъатни унчалик яхши тушунмайди ҳам. Лекин жуда чиройли овози бор. Онамнинг ширали овозига маҳлиё бўлиб, мен ҳам аста-секин хиргойи қилишни ўргана бошладим. Шундан кейин телевизорда, радиода қандай қўшиқ жарангласа, ҳаммасини ёзиб олиб, ёдлардим. Айниқса, телевизордан Шермат Ёрматовнинг кўрсатуви орқали бериладиган қўшиқлар жонидилим эди.

Лекин мактабга боргач "Ким бўлсам экан?" деган саволга "Журналист бўламан" деб жавоб берганман. Тўғриси, нега бундай қарорга келганимни ҳалигача билмайман. Болалигимда "Мультипанорама" кўрсатувини олиб борадиган чиройли, ширинсўз суҳандон Дулфуза Юсуповани жуда яхши кўрардим. Унинг дид билан кийиниши, экранда ўзини тутиши, кичкинтойлар билан худди болалардек гаплашиши мени ўзига ром қилганди. Балки журналист бўламан деганда ўша аёл кўз олдимга келгандир. Токи мактабни битириб, "Ёшлар" телеканалининг "Ёшлар овози" кўрсатувида иш бошлагунимга қадар журналистлик деганда фақат дикторликни тушунардим. Лекин мен ўйлагандек журналистика бошловчиликдан иборат эмас экан. Ҳақиқий журналистлик одамлар орасига кириб, уларнинг дардини тинглаганда, азоб чека олиш ва хурсандчилигини кўриб қувониш экан. Журналист инсон қалбини тушунса, ижод қилишни ўзининг қисмати деб билсагина, ҳақиқий мутахассис деган номга лойиқ бўларкан.

Журналистика жуда мураккаб, айни пайтда қизиқарли касб. Ҳар куни ҳар хил инсонлар билан учрашасиз. Ана шу мулоқотлар туфайли қанчадан-қанча инсон тақдири ҳақидаги ўйлар, мулоҳазалар, хулосалар дунёга келади. Нимадир ёзсам, кимнингдир дардини енгиллата олсам, ўзимни енгил ҳис қиламан, ёш боладек қувонаман. Яхши журналист бўлиш учун инсонда энг аввало, иқтидор ва дард бўлиши керак, менимча.

Тонг отишига бир неча соатлар қолганда Назира опанинг сўзларини тинглаб туриб, ижод оламига бўлган қизиқишим янада ортди. Гап билан бўлиб уйқум қочганини ҳам сезмай қолибман. Биз — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ўқийміз. Мен биринчи, у эса учинчи босқич талабаси. Назира Боймуродованинг тиниб-тинчимаслигига, интилувчанлигига ҳавасим келади. Мана шундай ҳаракатчанлиги, изланувчанлиги туфайли 2006 йили "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан эълон қилинган "Келажак овози" танловида "Бадиий ижод" номинациясининг "Публицистика" йўналиши бўйича ғолиб бўлган. 2009 йили эса "Меҳр нури" жамғармасининг "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури"-да ҳамда талабаларнинг ёзги амалиёти бўйича ўтказилган конференцияда "Энг яхши мақола" номинацияси бўйича биринчи даражали диплом соҳибасига айланди. Бу унинг журналистика соҳасида эришаётган илк ютуқлари.

...Тонг ҳам отай деб қолди. Менга қолса-ку, ҳали-бери суҳбатни тугатиш ниятим йўқ эди. Лекин соат миллари тўртга яқинлашганини кўрган Назира опа: "Сингилжон, келинг, энди икки соат бўлса ҳам ухлаб олайлик, бўлмаса дарсда мудраб ўтиришга тўғри келади" деб қолди. Ноилож ўрнимдан қўзғалдим. Ниҳоят, ўқув хонасини ёритиб турган охирги чироқ ҳам ўчди.

Олдинда бизни янги тонг, янги орзулар, янги ҳаёт кутмоқда...

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ГУРЛАН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ватанимизда истиқомат қилаётган барча инсонларни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан табриклайди.

Демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти, озод ва обод Ватан бунёд этиш йўлида улкан марралар қўлга киритилаётган юртимизда бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари янада кенг қулоч ёяверсин!

РАССОМ УСТАХОНАСИДА

КУЙЛОВЧИ РАНГЛАР

Бу қўҳна дунёни сўз, ранг, куй жарангида мукаммал тасаввур этиш нақадар қийин. Табиатнинг мўъжаз нафосати, осмоннинг ложувард, боғларнинг қаҳрабо, дарёнинг зумрад, қуёшнинг зарҳал, юлдузларнинг кумуш товушлари фақат мусаввир мўйқаламидагина яхлит санъат асарига айланиши мумкин. Оддий буёқлардан яралган бу санъат асарлари замонлар оша қанчадан-қанча қалбларни ҳайратга солади.



Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин медали соҳиби, фусункор мўйқалам эгаси Иброҳим Валихўжаевнинг ижоди беқиёс бир олам. Унинг асарларидаги тимсоллар, рамзлар, ишоралар, тилсимлар томошабинни сеҳрлайди. Ҳар бир асар замирида хаёлимизга келмаган, аммо инсонни фалсафий мушоҳадага ундовчи сиру синоат яширин. Унинг тасвирларида кўпинча она қишлоқ манзараси, замондошларимизнинг оддий турмуш тарзи, инсон ҳаёти, ташвишлари, ҳайратлари, минг йиллик тарихга эга миллий анъаналар ва қадриятларнинг умрбоқийлиги куйланади.

Айниқса, "Дўппи бозори" деб номланган фалсафий асари қадимдан давом этиб келаётган анъаналаримиздан сўзлайди. Оппоқ либосдаги гўзал аёлларнинг бошларидаги шакли, ранги, тикиш услуби ҳар хил бўлган дўппиларга боқиб, ўзбекона тўю байрамлар шукуҳини ҳис этасиз. Қизил, сариқ, мовий, бинафшаранг, яшил рангларга бурканган гулдор сўзаналар эса қадим Чустнинг фольклорига мансуб анъаналарни эслатади.

Эзгуликни камалак нурларига қиёслаб бўларканми? Оппоқ орзулар осмонида учаётган қизнинг хаёллари... Қаламқошнинг бошида ойранг рўмол, олдида камалакдай нур таратиб бешик турибди. Найсон ёмғиридай тўкилган бу ҳолатни унча-мунча шоир ёки куйчи тўла намоён этолмаслиги мумкин, лекин буларнинг барчаси мусаввир ўз мўйқалами ила яратган "Хаёлпараст қиз" асарида бу ҳол ўз аксини топган.

Рассомнинг мозий афсоналарига тўла ижодида унутилган карвонсаройлар, қадим сардобалар, қўҳна равоқлару олис овулларнинг ўзига хос тасвири муҳим ўрин тутади. Хусусан, ёзги чорпояда набираларига кашта тикишни ўргатаётган 80 ёшли момонинг орзулари, туядай чўккан тепалик устида келажакка умид билан термулиб турган болакайларнинг тийрак нигоҳлари "Ҳовли" асарида ўз аксини топган. Ҳали бу сувоқли томлар, тупроқ чорпоялар, ҳовлидаги дарахтлар, гуллар, қушлар ёш қалбларда мусаввирнинг "Туш" асаридай афсона бўлиб қолажак.

Хаёлимда ҳар бир рангнинг ўз мусиқаси бордай. Фақат шу оҳанглар ижодимга нур, ҳаётимга мазмун бағишлайди, — дейди Иброҳим Валихўжаев. — Мусаввирнинг мавқеи у чизган асарлари билан ўлчанади. Умрбоқий санъат асарлари эса инсон қалбининг оташин туйғулари ва ҳайратидан яралади. Мўйқалам соҳибида истеъдод, шунингдек, катта меҳнат қобилияти бўлиши, ҳиссиётлари доимо ўзидан олдинда юриши керак, деб ўйлайман. Дунёқарашим ва тафаккуримни бойитиш учун кўп бадиий китоблар мутолаа қиламан. Табиатдан илҳом оламан. Яқинда водийга борганимда, боғўзалликдан маънан баҳра олдим. Келгусида янги ижодий асарларимнинг кўргазмасини ташкил этиш ниятидаман.

Марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган ижод намуналарини мунтазам кузатиб бораман. Қувонарлиси шундаки, юртимизда ҳамкасбларимнинг турли йўналишдаги кўргазмалари катта ҳалалигим кечган Чуст туманида бўлдим. Қишлоқдаги ёшларнинг орзу-умидлари билан қизиқдим. Табиат манзараларидан илҳомланиб, асарлар чиздим. Ҳунарманд оилаларда бўлиб, улар яратаётган вирнинг ижоди аввало ўз она юртида қадр топиши, қалбининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиши энг катта бахт. Бундай бахт ўз даврининг қувонч-у ташвишларини илғаган, ранглар олами билан қисматини чамбарчас боғлаган ижодкоргагина насиб этади.

Суҳбат давомида Иброим ака яратган асарлар билан танишаман. Мусаввирнинг ҳали бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган "Йўл", "Дугоналар", "Чексизлик" каби картиналарига боқиб, қалбимдан шундай ўй кечди: Ҳамма расм чизиши, кўргазмалар ташкил этиши мумкин, аммо рангни кўриш, тингласш ва ҳис этиш камдан-кам ижодкоргагина насиб этаркан.

Иброҳим Валихўжаев эса, шубҳасиз, моҳир рангтасвирчи мусаввир. У чизган асарларнинг ҳар бирида мозийдан бир ҳикоя, бугундан бир оҳанг бор. Шу боисдан ҳам мусаввирнинг кўргазмалари нафақат юртимизда, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонди. Фикримча, миллатимизнинг ана шундай соҳир қалб эгаларининг ижодидан қанчалик кўп баҳраманд бўлсак, шунчалик руҳимиз юксалади.





Адиба УМИРОВА

САРЧАШМА

Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим...

Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.

Алишер НАВОИЙ

Истамай мутолаа қилаётган талаба — қанотсиз қуш.

САЪДИЙ

Билимни сингдириб олмоқ учун уни иштаҳа билан симирмоқ лозим.

А.ФРАНС

Кимки ўқишни истамаса, ҳеч қачон ҳақиқий инсон бўлолмайди.

ХОСЕ МАРТИ

Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир.

Ж.ДАНТОН

Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота билган муаллим шарафга лойиқ.

Е.ХАББАРД

Бизга таълим бераётганлар ҳақли равишда бизнинг ўқитувчиларимиз деб аталадилар, аммо бизни ўқитаётганларнинг ҳар бири ҳам бу номга лойиқ эмас.

И.ГЁТЕ

Педагогик фаолият учун, биринчидан, тарбиячи ўз тарбияланувчисини ҳар жиҳатдан билиши, иккинчидан, тарбиячи билан тарбияланувчи орасида тўла ишонч бўлмоғи зарур.

Д.ПИСАРЕВ

Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни шунчаки айтади-қўяди, яхшиси эса уни топишга ўргатади.

В.ДИСТЕРВЕГ

Муваффақиятли тарбиянинг сири — ўқувчига ҳурматда.

Р.ЭМЕРСОН

Кимки болаларни уларнинг ўзлари ўзлаштира оладиган даражада эмас, балки мен ўзим истаган даражада ўқитишим зарур, деб ҳисобласа, у мутлақо калтабиндир.

Я.КОМЕНСКИЙ

Қийин фанлар йўқ, фақат ҳазм этилиши қийин бўлган фанларгина бор.

А.ГЕРЦЕН

Лобар РАҲИМЖОНОВА тўплади

«Туронбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Қарши филиали жамоаси

Ўзбекистон аҳлини улуғ ва азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги айёми билан қутлайди.

Озод ва обод юртимизда мустақиллик абадий бўлсин!

«Туронбанк» ОАТБ Қарши филиали замонавий, қулай ҳисоб-китоб ва жамғарма воситаси бўлган қуйидаги янги миллий ҳамда хорижий валютадаги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонат

«ШОДЛИК»
Сақлаш муддати — 3 ой,
омонат бўйича йиллик 24 % ҳисобланади.

«ИМКОНИЯТ»
Сақлаш муддати — 1 ойдан 12 ойгача,
омонат бўйича йиллик 14 % ҳисобланади.

Хорижий валютадаги омонат

«БОНУС ПЛЮС»
Сақлаш муддати —
6 ойдан 18 ойгача,
омонат бўйича йиллик
9 % ҳисобланади.
Бонус — 1 %, 2 %, 3 %

"ТУРОНБАНК" — САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИНГИЗДИР!

СПОРТ

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган I Олимпиадада ёш спортчиларимиз учта кумуш, олтита бронза, жами бўлиб тўққизта медаль қўлга киритишди.

Мазкур мусобақада дунёнинг кўплаб мамлакатларидан уч минг нафардан зиёд 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар спортнинг 31 тури бўйича 184 дона медаллар жамланмаси учун ўзаро куч синашдилар.

Олимпиада баҳсларида бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, таэквондо, енгил атлетика, дзюдо, бокс, стол тенниси, ўқ отиш, сузиш, оғир атлетика, эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши каби беллашувларда 21 нафар истеъдодли спортчимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. Улардан уч нафари — юнон-рум курашчиси Нурбек Ҳаққулов, дзюдочи Мансур Мўминхўжаев ҳамда боксчи Аҳмаджон Мамажонов кумуш медалларни қўлга киритишди.

Шунингдек, истеъдодли полвонларимиздан Мансур Мўминхўжаев мусобақанинг сўнгги кунида дзюдо бўйича ўтказилган жамоавий беллашувларда учинчи ўринни эгаллади ва терма жамоамиз ҳисобига яна битта бронза медаль қўшди. Юнон-рум курашчиси Руслан Комилов, эркин курашчи Диёрбек Эргашев, хотин-қизлар кураши бўйича Нилуфар Гадоева, боксчиларимиздан Сардорбек Бегалиев ва Зоҳиджон Ҳурбоев ҳам Олимпиаданинг бронза медали соҳиби бўлди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Россияда бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда ўн беш мамлакатдан 100 нафардан зиёд спортчи ўн бир вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди. Мусобақада иштирок этган ҳамюртларимиз — Алишер Маҳмудов ва Бобур Айтбоев кумуш, Шоҳруҳ Исоқов ва Ўктам Раҳмонов бронза медални қўлга киритди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, фахрий журналист

Вилор НИЯЗМАТОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —

® — тижорат белгиси.

Адади: 9087 Буюртма — Г-826 1 2 3 5